Офицер экан севган ёрингиз, Бу ёқда қолди-ку вафодорингиз. Севгилим юракда қолди ишқингиз, Сиз мени бир умр эслаб ўтасиз. Сиз ушбу ҳаётнинг порлоқ кунинда, Висол оқшомини кутиб юрасиз. Мен-ку азоблансам висол тунинда, Сиз мени бир умр эслаб ўтасиз. Ҳаётнинг шу қадар азоби бўлар, Бевафога ишқнинг ғазаби бўлар. Анварни азобга ташлаб кетасиз, Сиз мени умр эслаб ўтасиз!

Ўз бахтини қаноат билан кутаётган Анвар ака шундай деб сўзини янқиради: Ҳақиқатан ҳам ишқсиз, севгисиз борлиқни та-саввур этиб бўлмайди.

Хурматли Сабоҳат опа! Ҳақиқат эгилари, буқилари лекин асло синмайди. Ҳа, муҳаббат бу ҳақиқатдир. У ҳеч қачон синмайди, синмаган ҳам.

Оллоҳ томонидан рўёб бўладиган бахтингиз — ҳақиқий муҳаббатни кутинг. У сизни албатта бахтиёр этади.

Бекзодбек
МУҲАММАДОВ
Андижон вилояти,
Улугнор тумани



СИЗДА АЙБ ЙЎҚ...

"Меҳрга йўғрилган кўзни ахтаргум" — 4-сон

ЭСЛАТМА: Мен яхши ниятлар билан ўзга хонадонга, ота-онаси вафот этиб кетган йигитга, овсин қўлига келиб бўлиб ушатиладим. Аввал бинойидек яшадим. Аммо эрим ичкиликбозликка, картабозлик ва наша чекишга муккасидан кетган улфатлари билан кунни ўтказарди. Унинг бу йўлдан кетиши бошимга кўп ғам-ташвишлар келтирди... "Оила" деган кўргонимиз вайрон бўлди...

ДИЛНОЗА

сиз. Шундай бўлаётган вақтда унинг камчиликларини рўй-рост ака-опаларига, ота-онангизга айтишингиз керак эди. Балки шундай қилганнингизда у хиёнат йўлига кирмасди. Йигит киши бўлиб уялмайdimи ожиза аёл-

БАХТИНГ ЎЗ ҚЎЛИНГДАДИР

"Бундай отани сира кечиролмайман" — 2-сон

ЭСЛАТМА: Отам ўзига бино қўйган, эр-катой, олифта, қиморбоз экан. У уйланиб бола-чақа кўргач ҳам ўзгармай баттар бўлибди. У бир кунни онамни қиморга ютқазиб қўйибди. Онам синглим билан кетиб, мен эса отам қўлида қолганман. Менинг бахтсизлигим шундан сўнг бошланганини улағй-гач билдим.

Хурматли шахрисабзлик М!
"Азиз юртдошларим, илтимос, ҳамма-ҳаммангиз мени тушунган ҳолда холис айтинглр: "Кечириб бўларми ўша отани?" деб ёзибсан. Бу ҳақли саволингга шундай жавоб бермоқчиман. Эй, укам М! Дили дилпора бўлган укам. Тақдир тақозоси билан ичи ўртаган укам. Гапимга кулоқ сол. Отанг қиморбоз экан. Лекин қиморбоз бўлса сени бокиб катта қилиб, воёга етказибди-ку. Яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам шу сени отанг. Сен чуқур ўйлаб, узоқни кўзлаб иш тут. Агар сен отангни кечирмасанг, сенда ҳеч қандай ижобий ўзгариш бўлмайди. Ишинг юришмайди. Шунинг учун ёмон ниятингдан қайт, отангни кечир. Отангга нисбатан ёмон фикр сенинг ҳаёлингни бузиб кемириб турмасин. Ёмон-

М.

лиги ўзига, лекин сен яхши бўл. Оилада тинчлик, осойишталик бўлса ҳамма нарса ўз жойига тушади. "Ота рози, Худо рози" деган гап бор. Сен бу гапларга аҳамият беришинг керак. «Онамга далда бўлишни истаиман. Лекин онам мен ҳақимда: "Чаён боласи чаён, бу ҳам ўша - отасининг қолипига тушган-да", - деб ўйла-салар керак, деб ёзибсан. Сен отангга ўхшама. Яхши инсон бўл. Сен келажакинг-ни ўйлашинг керак. Ўқиб билимни, касб-кор эгаси бўлишга ҳаракат қилгин. Сенда ижобий ўзгаришлар рўй беради. Зиёли бўлиб, юртдошларинг ичида обрў, эътиборли бўлгин.

Хурматли М! Келажакка ёруғ юз, ишонч билан боқ. Ҳали ёшсан, ғам-ташвишга ботма. "Торға тор дунё, кенга кенг дунё", дейдилар. Феълингни кенг тут. Дунёда одобли, ахлокли инсонлар кўп. Сен улардан ўрнак ол ва улар-дек бўлишга ҳаракат қил. "Одам одоби билан гўзал". Келажакда шундай одобли, ахлоқли, зиёли инсон бўлгинки, сени қўриб ҳамма ҳавас қилсин. Вақти келиб ўйланиб фарзандли бўларсан. Фарзандларингни яхши тарбия қилиб ўстиргинки, отангга ўхшаб қолмасин. Ишинг доимо ўнғидан келсин, укам. Омон бўл.

Юнус ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси

Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани

"Яна ёлғизман" — 21-сон

ЭСЛАТМА: Бундан ўн йил олдин бир қизни жуда севардим. Аммо унга эмас, онам, акам ёқтирган қизга уйландим. Вақт ўтиб севгилимни унутиб, Барнони сева бошладим. Аммо Барно аввал бола олдирган экан... Яна уйландим. Бироқ онам қаршилик қилдилар. Турмушимиз бузилди... Ҳамма нарсам етарли. Аммо бахтим йўқ?

КОМИЛ

Ёлғизлигига ёлғиз ўзи айбдор Комил ака! Ёлғизман, деб ўйинманг-у, «Нега ўзимни ўзим ёлғизлатдим», деб ўзингиздан сўранг. Мақтубингиз газетада босилгандан сўнг ҳам анча вақт ўтди. Мен ҳар доим газетани варақлаганимда юртдошларимнинг сизга муносабати ҳақида ўқимоқчи бўлиб кўз югуртириб кўраман, бугун эса аччиқ бўлса-да, ўз дил изҳоримни сизга билдирмоқчиман. Фақат кўнглингизга оғир олмайсиз деб ўйлайман, чунки аччиқ бўлса-да ҳақиқатнинг таъми ширин, негаки турмуш, ҳаёт-ҳақиқат беланчаги, баъзан тебрана-тебрана бўлса-да,

инсонга ором беради, тинчлан-тиради.

Ёшим сиздан салгина кичик, лекин аёллик юрагим сизнинг юрагингиз каби тез эримай-диган, оташин муҳаббатинг фарқи боради. Комилжон, исмингизда инсонга хос КО-МИЛлик исталган экан, афсус, сизнинг кўнгли бўшлигингиз бунга панд берибди. Агар сизнинг кўнгли бўшлигингиз бўлмаганида одамларга чин дилдан ишонаганингизда эди, ўша сизнинг "ту-тинган акажонингиз" сиздек дили пок йигитга ўшанака қайнсинглисини раво кўрмас эди. Донишманддан: «Энг осон нарса нима», - деб сўрашганда, «Бировга маслаҳат бериш», дея жавоб берган экан. Яна узок жойдан сиздек беғубор севгидан бебаҳра қолган йигит кўнглига озор берганим учун узр. Афсус, иккинчи мартаба ҳам мана шу олижаноб фазилатингиз сизга панд берибди. Инсонларга таълим-тарбия берувчи оқила аёлнинг ўзига турмуш тарбияси зарурлигини бир оз унутибди. Мана шу газетада чоп этилаётган Турсунюна

Содиқованинг қатор чиқишларини ўшал санамларга қайта-қайта ўқитиш лозим эди. бундай кураклар қачон ўз жойини билиб чекинишадди, билмадим.

Комил! Инсон ҳаётда бир мартаба адашса, қайта адашмаслик учун ҳаракат қилади, сиз эса 2 мартаба адашиб билан бирга онангиздек улуг зот қаршигини эшитибсиз. Лекин она қарғиши - бола учун насиҳат менимча.

Энди эса мен сизга унисига ўйлангиз, бунисини қайтаринг дейманам, фақат илтимос, Оллоҳ томонидан берилган қора кўзларни каттарок очинг ва аввало кўнгли бўшлигингиздан йироқлашинг. Сизга Фарҳоднинг муҳаббатини, Мажнуннинг салобатини, Юсуфнинг самимияти-ю, Алпомишнинг қувватини тилаб қоламан. Отанга розилигини олиб, севимли ёр бўлиб, камолий бахтга эришинг ва албатта ўз тақдирингизни изга солиш учун ўзингизда куч топа билинг.

Дилбар НОРМУРОВА

қийналиб юрибди. У: "Ажрашган аёлларга қийин деб ўйлардим, турмуши бузилган эркакларга ҳам қийин экан", -деди. Хотиндан ажралиб ўз ота-онаси қўзига ёмон кўриниб қолган экан.

Чунки у йигит ичкиликка берилиб ҳаммани безор қилиб ташлаганди. Ота-онасини ранжитиб, оиласини хор қилиб қўйган бу йигитга нима дейишини билмай қолдим. Аёл киши бахтли бўлиш учун курашад. Эрингиз сизни қийин аҳволга солиб қўйибди. Хотинбоз эрингизга бир оғиз сўзим бор: "Эй, номард эркак. Сенга Дилноза опа бахтли бўлиб, фарзандларини етаклаб юрганини Худо кўрсатсин. Шундай аёлни хор қилибсанми, ўзинг ҳам хору-зор бўлгин! Сенинг бахтли бўлишга ҳақинг

йўқ. Биров бахтини бузгандан кўра, шу дунёдан кўз юмиб кетганинг яхши. Сен ўзи бахт нималигини тушунасанми? Сени Дилноза опанинг кўз ёшлари уволи урсин. Шу опага нима қилган бўлсанг, сенга ҳам ҳаётнинг ўзи кўрсатади. Унда кеч бўлади».

Дилноза опа, кўнглингизни умуман чўктирманг. Хали бахтингиз очилиб, фарзандли бўлиб кетасиз. Мен бунни Худо-иймдан сўраб қоламан. Ота-онангиз, ака-укаларингиз бахтига доимо соғ-саломат бўлиб юрингиз. Яшаш учун курашинг. Кўзингиздан ёш оқмасин. Оиламиз билан сизга чин кўнглидан, бир умрлик бахт тилайми.

ШИРИН
Яккабоғ тумани



Азиз фарзандимиз **САРДОРЖОН!**
15 август — тава�луд тоилган кунинг билан чин дилдан

табриклаймиз. Бахтининг соғомон, ақлдан бўлиб, келажакда биз орау қилганидек нисон бўлсин.

Дунёнинг энг гўзал шодлиги, бахти, Сенинг йўлларингга мушток бўлажон. Камолнинг кўриб қувонайлик ҳар дам, Бахтимизга омон бўлсин **САРДОРЖОН!**

Аданг билан аянг



Муҳтарам отахонимиз **Нажмиддин НОСИРОВ!** Сизни тава�луд тоилган кунингизнинг 60 йиллиги билан табриклаймиз. Оила ва фарзандларингиз бошдаги тожу давлат бўлиб, узоқ умр кўринг. Ўтаётган кунларингиз маълумига, болу-шарбатга тўлсин, соғ бўлсин.

Носировлар оиласи



Хурматли жиннимиз **ДИЛОРОМ!**

Сени 30 баҳоринг билан чин қалбдан табриклаймиз. Кўнглингни Мирзиёхон билан бахтли ҳаёт кечтириб, болаларингизни роҳатини кўриб юргин.

Одилбековлар оиласи

Муҳтарам Озодаҳон **ОРИФЖОНОВА!**

Сизни 50 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз! Сизга узоқ умр, соғлиқ тиллаймиз! Болаларингизнинг бахтини кўриб юргин.

Одилбековлар оиласи

Қалбларимиз қувончи, дилларимиз ардоғи, кўнгилар чироғи бўлган азиз фарзандларимиз **ШУХРАТХОН ВА НИГОРАХОН!**

21 август никоҳ тўйларингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизларга соғлиқ, узоқ умр ва келажакда шириндан ширин фарзандлар тиллаймиз.

Бахтиёр Ақромовлар оиласи

ОИЛА—18

Ёши 33да, турмушга чиқмаган, олий маълумотли — журналист, энг нуфузли олий таълим даргоҳини битирган олим, моддий яхши таъминланган, пойтахтнинг қоқ ўртасида ўз уйига эга, келишган, уй-юмушларини аъло даражада бажарадиган, саранжом-саришта, ширин-шаккар фарзандлар кўриб, мустаҳкам оила қуриш ниятида бўлган қиз маълумотли, хунарли, соғлом, уй-жойга эга, қадди кўркам, келишган, ёмон иллатлардан холи йигит билан танишиб, маъқул келса оила қурмоқчи.

Кўнглидаги ёрини топади...

Ўз бахтини, кўнглига мос келадиган жуфтини излаб юрганлар учун ҳақсизиди маънода дил кўприги бўлаётган "Қайда ўзи ўша бахт" руқни остида берилаётган мақолалар, саранжом-саришта, ширин-шаккар фарзандлар кўриб, мустаҳкам оила қуриш ниятида бўлган қиз маълумотли, хунарли, соғлом, уй-жойга эга, қадди кўркам, келишган, ёмон иллатлардан холи йигит билан танишиб, маъқул келса оила қурмоқчи.

корли, яхши оиланинг фарзанди эканлигини ва улар аҳду паймон қилиб, ота-онаси-ю, қариндош-уруғлар иштирокида чиройли тўйларини ўтказишганини мамнуният билан сўзлаб берди. "Менинг бахтиёрлигимда, ҳаётимни тиклашда "Оила ва жамият"нинг ҳиссаси бекиёс. Чин дилдан раҳмат", — деди Шухрат.

Қайда ўзи ўша бахт?

Биз тахририятимиз номидан ушбу ёш оилани табриклаймиз. Қурган оилангиз пойдевори самимият, яхшилик, оқибат, ўзаро ишончдан иборат бўлсин. "Оила ва жамият" ҳаётда ўз бахтини излаётган ҳар бир инсонга қўмак беришдан асло чарчамайди. Зеро, ҳар бир бахтли оила билан юртимизда фаровонлик, раванқ ҳам бир поғона юксалади.

Хулқар **ХОТАМБОВЕВА**

ХОМ ГЎШТ

Бир кун тушимда яланғоч одамлар менга ўз танасидан гўшт кесиб узатдилар, мен олдим. Бу даҳшатли, ҳосиятсиз тушун бир неча маротаба кўрдим. Орандан бир ой ўтар-ўтмас, бетоб бўлиб ётиб қолдим. Шифокорларга учрашдим, улар менга операция қилиш кераклигини айтишди. Операция муваффақиятсиз

ўтиб, яна кўп даволандим... Ичагимдан ўсиб чиққан ўсимта операция йўли билан олиб ташланди. Демак, яланғоч одамлар касаллик, уларнинг ўз танасидан гўшт қирқиб бергани — операция экан. Умуман олганда хом гўштни туш кўриш — касаллик ҳисобланади. Ҳосиятсиз тушлардан Худонинг ўзи асрасин.

Лобар **ЭРГАШЕВА**

Тошкент

ҚОРИНДА НЕГА ГАЗ ТўПЛАНАДИ?

Гипократ "Одамлар онадан согпа-соғ туғиладилар, ҳаёт даврида ортирилган касалликлар эса киши организмига овқат билан қиради", деб бежиз айтмаган. Ҳақиқатан ҳам овқатланиш тарзи тўғри ташкил қилинмаса, овқат организм учун фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Оқ нон, ширин булочка, пирожни, ширинликлар ва оқсилларни кўп истеъмол қилишимиз оқибатда углеводлар ва оқсиллар ошқозонда аччи бўлади. Бунинг оқибатида эса қўлчанча келдириш пайдо бўлади. Ошқозон ва ичаклардаги аччи

ичини юмшатуви таъсир кўрсатади. Дағал янчилган қора унда клетчатканинг миқдори 13 фоизни ташкил этади. Оқ нон эмай ана шундай қора нон истеъмол қилиш ҳам ичакларда газ тўпланишини йўқотади. Маккажўхорида ҳам клетчатканинг миқдори кўп. Шунинг учун зогора нон ҳам клетчаткага бойдир. Сабази, нўхат ва ловида ҳам дағал толали қисм — клетчатка мавжуддир. Сабазини хом ҳолда истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маслаҳатхона

Овқат билан ёки ундан кейин 2 дона карбаин дориси ичиш ҳам ичакларда тўпланган газларни шимиб олиб, газни йўқотади.

Юқоридагиларга амал қилиш организмни турли захарли моддалар таъсиридан асраб, доимо соғ-саломат, мазмунли ҳаёт кечиримизни таъминлайди.

Раҳматилло **БЕКТОШЕВ**, олий тоифали шифокор

Самарқанд

Фролов Евгений Кириллович номига 18.02.1993 йилда берилган 09-01/2918 рақамли турар жойни хусусийлаштириш далолатномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"САНАМ-СЕРВИС" замонавий ўқув маркази касб-хунар курсларига йигит ва қизларни тақлиф этади.

- 4 ойлик**
1. Бичиб-тикиш (чоҳдан бошлаб); 2. Товуш талаффузидида қамчиликларни бартараф этиш; 3. Зардўлик (бухороча);
 3. Фотосурат олиш; 5. Замонавий усулларда "Элита" парда, чойшаб ва бежизим ёстиқлар тикиш, уй безатиш; 6. Торт, салатлар тайёрлаш (қалин-қуёв инфодаланган торт пиширтириш (олий даражадаги қуёвлар — 10 кун); 7. Ҳамширалик (амалиёт билан); 8. Массаж (амалиёт билан); 9. Инглиз тили (бошланғич ва давом эттирувчилар учун. Машгулот юконтасмалар ёрдамида ҳам олиб борилади); 10. Радио-техникани таъминлаш; 11. Компютер; 12. Бухгалтерия; 13. Юмшак ўйинчолар тикиш; 14. Қаштачилик (машинада ишлаш).
 - 2 ойлик
 15. Фантазияли гўл бозаларини ясаш; 16. Косметология; 17. Сартарошлик (амалиёт салонда олиб борилади);
 - 1 ойлик
 18. Бадий манокор ва педикюр.

Хар бир курсларга тезкор гуруҳлари мавжуд. Ўқини битирганларга диплом берилади. "Элита" парда-чойшаблари, фантазияли торт тайёрлаб бериш ва оқшом либосларини тикиш учун буюртма қабул қиламиз. Косметолог ёрдамида юз терисини даволаймиз. (Зилола)

1. Манзил: Ниёзова кўчаси, 6 уй. Талабалар шаҳарчаси, 80^е ётоқхонаси, 9-кават, 13-хона. Мўлжал "Нукус" кинотеатри ёнида. Авт. 10, 88, 14, 90. Троллейбус - 2.
2. Манзил: Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 5-уй. Мўлжал метронинг "Ойбек" бекати ёнида жойлашган 16 каватли бинонинг 1-кавати. Авт. 57, 67, 58, 38.
3. Манзил: Себзор даҳаси, 310-линей мактабининг 1-кавати. Авт. 100, 475, 123. Троллейбус 26, 3, 14.
Телефонлар: 8^е - 22^е гача 49-18-71, 46-58-11, 46-49-16, 56-34-10.
Соат 10^е - 16^е гача 40-20-59, соат 17^е - 22^е гача 105-20-59

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга тақлиф этади: (ўқишга ҳар ойда қабул қилинади)

1. Бичиб-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортқ замонавий либослар, костюм-шым, бешик усти жиҳзоларини бичиб-тикишни моделлаштиришни ўрганаёсиз. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машгулотлари ўтатилади; 3. Қаштачилик - 3 ой, машинада тикиш - 3 ой; 4. Зардўлик (бухороча) - 3 ой;
5. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан), эркаклар учун - 2 ой; 6. Массаж (амалиёт билан) - 2 ой. 7. Торт ва турли хил пиширтиқлар - 2 ой. 8. Инглиз тили - 3 ой; 9. Парда ва пакриваллар тикиш - 1 ой.

Ўқини тугатганларга диплом берилади. Лиц: № 587

Манзил: Ниёзова кўчаси, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (соат 8 дан 17 гача), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан 22 гача).

«ЗУККО» фирмаси ўқув маркази Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган турли ўқишларга ТАКЛИФ ЭТАДИ

- 1 ойлик: - Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун сотувчилик. Бир ойга 6000 сўм; Компютерчилик - 10 000 сўм.
- 2 ойлик: - Ўйинча - 5000 сўм. Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш. Бир ойга 5000 сўм. - Сартарошлик. Бир ойга 5000 сўм. - Массаж (умумий). Бир ойга 5000 сўм. - Уй ҳамшираси. Бир ойга 5000 сўм. - Энг замонавий усулларда "Элита" пардалари ва чойшабларни тикиш. Бир ойга 5000 сўм.
- 3 ойлик: - Бичиб-тикиш. Бир ойга 5000 сўм. - Инглиз тили (бошловчилар учун). Бир ойга 5000 сўм. - Ақшерилик. Бир ойга 5000 сўм. - Теле-радио усталари. Бир ойга 5000 сўм.

Ўқини битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилотдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Фирма сифатли ўқишга қўлдош берилади. Ҳамма ўқишлар амалиёт билан.

2-Манзил: Юнусобод тумани, «Қозғистон» кинотеатри биноси ичида. Тел: 35-10-36

«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ

замонавий касб-хунар курсларига тақлиф этади:

- КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ:**
- WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC-2 ой.
 - Бухгалтерия ва компютер билимлари - 4 ой.
 - Бухгалтерия ҳисоби - 2 ой.
 - Инглиз тили (компютер ёрдамида) - 3 ой.
 - Ақшерилик - 6 ой.
 - Ҳамширалик - 3 ой.
 - Аёллар ва эркаклар сартарошлиги (Машгулотлар салонда ўтказилади) - 3 ой.
- ДИКЛАТ!** Фирмада замонавий оқшом либослари ва «Elite» усулидаги пардалар тикиш, келин-куёв либослари ижарага берилади. Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.
- МАНЗИЛИМИЗ:** «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-кават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази қуйдаги курсларга тақлиф қилади:

- 2 ойлик: - Компютер билимлари: (Windows-98; MS Office; Internet - E-mail); - Компютерларни ростлаш ва модернизациялаш; - Замонавий бухгалтерия ҳисоби; - Замонавий пардалар ва чойшаблар тикиш ("Элита" усулида).
- 3 ойлик: - Бухгалтерия ҳисоби ва компютер таълими; - Инглиз тили, видео-аудио материаллар ёрдамида (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); - Тикиш-бичиш, моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар). Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Манзил: Ниёзова кўчаси, 13-уй, 2-кават, 55-хона. Мўлжал: Метронинг «Алишер Навоий» бекати, Стоматология поликлиникаси ёнида. Тел: 144-03-25, 144-92-39, 22-59-55

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

- Куйдаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:
- Моделинг-технолог (бичиб-тикиш курслари) - 2; 4 ойлик; - Моделинг конструктор (янгил моделларни яратуви, 100% бичиб билан шуғулланиш шарти асосида) - 2 ойлик; - Эркаклар кийими - 2 ойлик; - Аёллар костюми, палтоси, плащи - 3 ойлик; - Дардара, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар - 1,5; 3 ойлик.
- ДИКЛАТ!** Холловчилар учун яқна тарзда кичик-гуруҳларда (3-5 кишилик) олиб борилади. Ёзги таътил даврида махсус гуруҳлар қабул қилинади.
- Мақтаб ўқувчилари учун чегирмалар мавжуд!** Битириганларга диплом берилади. Қабул ҳар кун (яқнабадан ташқари) соат 10 дан 14 гача. Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-кават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амир Темур" бекати, Магазин "Top moda", Тел: 133-73-97, 76-71-95.

РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ "ОИЛА ЗИНАТИ" МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйдаги ўқув курсларини ташкил этди:

- 2 ОЙЛИК: 1. Бичиб-тикиш (тезкор гуруҳ), бир ойга - 6000 сўм. 2. "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тикиш, бир ойга - 4000 сўм. 3. Олий даражадаги торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойга - 4000 сўм. 4. Сартарошлик, бир ойга - 5000 сўм. 5. Компютер саводхонлиги, бир ойга - 5000 сўм. 6. Массаж - 4 ОЙЛИК: 6. Бичиб-тикиш (бошловчилар учун), бир ойга - 4000 сўм.
- Машгулотлар амалиёт билан бирга қўшиб олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегирмалар берилади. Битирувчиларга сертификат (гувоҳнома) берилади. Телефонлар: 45-18-68, 45-90-66, 29-28-58. Манзил: Фурқат кўчаси, 1-уй. Спорт кўчасига биноси ёнида, 4-кават, 410-хона. Мўлжал: метронинг "Халқлар Дўстлиги" бекати.

Мен ҳаётда бахтли эдим. Мақтаниш эмасу, ўзимга яраша ҳусним бор. Қизлар ўзлари севги изҳор қилиб хат ёзишарди. Отам бевақт ҳаётдан кўз юмганлар. Онам бизларни, яъни мени, акамни ва синглимни ёлғиз катта қилди-

гизни ерга қаратмайман. Фақат менинг, бахтсиз ўғлингизнинг қилган айби, телбалардек севиб қолганлигида... Ўша куни оиймлардан яширинча кўчага чиқдим, севилимнинг кўчасига бормоқчи эдим. Нима учунлигини ўзим ҳам бил-

СЕНИНГ ҲАЁЛИНГДАН ИЗЛАЙМАН ПАНОҲ

лар. Қизларга ёмон кўз билан қарамасдим, ҳаммасини ўз синглимдек кўрардим. Халигача ҳеч кимни севмаган эдим. Мана 5 ой бўляптики, севги азобидан қуйиб, ҳеч қаерга сизмай кетяпман. Бир куни акамнинг ўғилчаси касал бўлиб ётиб қолди. Акам дўхтир ёзиб берган дорилар қоғозини менга бериб: "Ҳокимиятнинг ёнидаги домларнинг бирида аптекачи аёл туради. Ўшандан шу дориларни олиб кел, суриштириб топиб оласан", - дедилар. Бир аёлдан аптекачи қаерда туришини сўраб турганимда, сув олиб келаётган икки қизга кўзим тушди. Уларнинг бири эътиборимни ўзига тортди. Уни кўриб худди анчадан буён кўрмаган рақиб инсонимни кўргандек кўнглим равшан бўлиб кетди. Шу кундан бошлаб ҳаётим ўзгарди. Ҳар куни уларнинг уйи олдида ўтадиган одат чиқардим. Кўчадаги болалардан унинг исми Шоҳида, ёши 19 да эканлигини билиб олдим. Мана ҳозир ҳам унинг исминини тилга олдим, юрагим тез-тез уришни бошлади. Лекин мен учун ҳақиқий бахтсизлик — унинг севган йиғити борлиги, яқинда унаштириш тўйи бўлишидан хабар топганим бўлди. Эҳ ҳикрон, соғинч, азоб... Ҳаммаси мени банди қилиб бўлган эди. Эрталабдан унинг кўчасига бориб ўтирдим. Кўчага чиққанида четдан кузатиб ўтириб унга бўлган севгим янада қучлорқ аланга олиб, вужудимни, танамни қуйдирадди. Бу азобларни сўз билан тушунтириб бўлмайди. Кечкурунлари деразаси тагида тоғ оттирдим. Онам, онажоним не-не азобларни бошидан ўтказган мунистгина онажоним! Мени бунақа юришларимдан хавотирлана бошладилар. "Ўғлим, юзимни ерга қаратма", - дедилар. "Онажон, мен, мен юзин-

масдим. Қалбим, бутун вужудим шуни хоҳларди. Йўлдан ўтаётганимда бир машина келиб зарб билан уриб юборди. Кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни очсам, касалхонада ётибман. Ўнг оёғим синган, бошим қаттиқ лат ебди. Ёнимда оийм, акам, синглим йиғлаб йиришибди. Уларга қаерга бораётганим ҳақида ҳеч нарса демадим. Шунчаки айланашга чиққандим, дедим. Ойижонимнинг кўзлари ғамгин эди. Бу эса қалбимни баттар азобларди. Эртаси куни ёнимга энг яқин дўстим Сарвар келди. Унга дардимни — севиб қолганлигимни, ўша қизни ким эканлигини, айтдим. Эртаси куни Сарвар: "Яқинда тўйи бўларкан", деган гапни топиб келди. Эҳ, бу гап мени қай аҳволга солганини билсангиз эди... Унинг узун сочлари, ўзига ярашиб турган ўнг юзидаги холи бирма-бир кўз олдимдан ўтди. Унда айб йўқ. Ахир у мени танимаса, ҳаттоки севишимни ҳам билмас. Майли, мен учун бу азоб бўлса ҳам, мен унга бахт, чексиз ва улкан бахт тилайман. Лекин узи қандай яшашимни тасаввур ҳам қилолмайман.

Сендек бир қизни севмаслик гуноҳ, Сукланиб бокмоқ ҳам гуноҳдир ҳатто. Сенинг ҳаёлигдан излайман паноҳ, Балки бу умримда биринчи хато. Сочинг тўлкинида батамом чўкиб, Сирли шивирингга чўмилмоқ гуноҳ. Ул шахло кўзлардан шабнамлар тўкиб, Пойингга йиқилган кимса ҳам гумроҳ. Борлиги гул янглиғ сендек қизни, Севмоқ бир умрга юракда чакмоқ. Ва ногоҳ васлингдан бўлиб бенасиб, Айрилиқ тунда бағрим тиламан. Юрсам ҳам, эй қаришта қиз, гуноҳдан қочиб — Қачондир сени деб гуноҳ қиламан.

ЖОБИР

Косон тумани

ҚАДРИМГА КУЯМАН

Шу йил 71 ёшга кирдим. Икки йилдан бери "Оила ва жамият" ҳафтаномагига обуна бўлиб, унинг ҳар бир сонини сабрсизлик билан кутаман ва унда ёритилаётган аjoyиб мақолалардан қариган бўлсам ҳам ўзимга дарс оламан. Ногоҳ ўз ёшлик давримни эслаб кетаман. 1967 йил 1 февралдан Бухоро тиббиёт билим юртида дастлаб кадрлар бўлимида ишладим, кейин 1988 йил сентябридан то нафақагага чиққанимга қадар шу ерда ўқитувчилик қилдим. Фахрий ёрликларимни бир катта албом қилсам бўлади.

Мен буларни нега ёдга олаётирман? Ҳа, ёшликда роса меҳнат қиласиз, сиз ишлаган корхона ва унинг коллективи қариганда сизни унутса алам қилар экан.

Менинг бугунги ҳаётим жуда яхши, умр йўлдошим, болаларим ҳурмат қилишади. Болаларимнинг ҳаммаси бахтли-тахтли. Мен ҳозир ҳам маҳалламизнинг маслаҳатгўйи, қўшнилариим ойнахонидирман.

Тиббиёт билим юртида ишлаган даврларимдаги шогирдларим ҳозир ҳам бор. Кадрлар бўлими мудири сифатидаги ишимни шогирдим Аҳмедова Майрамга топширгандим. У ҳозир ҳам ишляпти. Наврўз айёмида қарияларни қадрлаб қаҳирланлар. Мени эса ўлганлар, қаторига қўшганлар. Мен тиб-

биёт ходимларини тарбиялаш, билим бериш борасида асосий ходим эдим. Наҳотки тирик инсонни эсдан чиқарсалар?

Юртбошимиз 2002 йилни "Қарияларни қадрлаш йили" деб эълон қилдилар. Қарияларни қадрлашни аъло даражада тушунган Президентимизга мен мингдан-минг раҳмат айтаман.

Болаларим кўнглимни кўтариш учун ҳар куни вақт топиб келиб-кетадилар. Нафақам ҳам ўзимга етади. Менга фақат эътибор, иззат-икром, ҳурмат керак. Биз кексаларга бошқа нима ҳам керак?

Яқинда ўзим ишлаган тиббиёт билим юртига телефон қилдим. Уларни ўтган байрамлари билан табрикларим. «Мени эсларингиздан чиқарибсизлар», - дедим. «Бизлар сиз бошқа ишга бориб ўша ердан нафақа олаётирсиз, деб ўйладик», - дейишди. Шу ҳам гапми? Билим юрти (коллекж) директори Карим Миржонов янги киши. Наҳотки, неча йилдан бери ишлаб келаётган Шопортова Валентина, Майрам Аҳмедова, Сайёра Шамсутдинова, Сайёра Барақатова, Фафур Ашуров ва бошқалар мени эсларидан чиқарганлар?

Мен қадримга қуяман.

Назржион ая МУХТОРОВА

Бухоро вилояти, Файзулла Хўжаев тумани

Мен шаҳардан қишлоққа — оддий дехқон оиласига келин бўлиб тушдим. 20 йил ичида уч фарзанд кўриб, яхши оила бекаси бўлдим. 2 ўғлим ҳозир олийгоҳга кириш арафасида, қизим — юқори синф

дан хабардор бўлгач, мен аввалига музлаб қолдим. Бир ҳафта ичида қоқ-суякка айланиб, фақат соям қолган эди. Лекин халиги аёл мен билан учрашиб: "Опажон, мени кечиринг, турмуш

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТАЙ?



ўқувчиси. Турмуш ўртоғим билан қайнонам-қайнотам дуоларини олиб, иқир-чиқир, кераксиз гап-сўзлардан узоқда, ахил-инок яшаб келаётгандик. Лекин муаммо бошқа нарсадан. Турмуш ўртоғим бир аёл билан танишиб қолибди. У аёлнинг оиласи бузилган, уч на-

ўртоғингиз мени ҳаётга қайтарди, кўзим очилди, сизнинг бардошингизга қойил қолдим. Сизга менинг ҳеч қандай хусуматим йўқ, оилангизга ҳавасим келади. Мен ўзим учун фарзанд кўришга қарор қилдим. Бу фарзанд фақат... акамдан бўлишини истадим, мени кечиринг, турмуш ўртоғингиз аjoyиб инсон", - деди-да, йиғлаб юборди.

Мен шундан кейин қандай ҳолатга тушганимни ёзолмайман. Эримдан ажрамоқчи эмасман. Шундай йўл тутсам бу вояга етган болаларим учун иснод бўлади, деб биламан. Бир вақтнинг ўзида эримдан нафратландим. Чунки ўзимни худди кераксиз буюмдек ҳис қилаётган. Ичимга қироқ ёксангиз ҳам ёришмайди.

Мен бу ҳолатимни ота-онамга ҳам, ака-опаларимга ҳам айтолмайман. Дунё кўзимга тор кўринмокда. Ким билади, келажагим қандай бўлади? Ували-жували бўлиб қариш бахту саодати бизга ҳам насиб қилармикан? Турмуш ўртоғим қанчалар ўзини оқласа ҳам нима учундир доимо мени алдаганга ўхшайди. У бугунги кунда мени ва оиласини биринчи ўринда кўришини айтиб ёлвормокда. Гоҳида ўзимни-ўзим уришаман — нима учун бу аҳволдан хабарим бўла туриб, олдини олмадим? Турмуш ўртоғим қизимизни жуда яхши кўради. Мабодо у аёл ҳам қиз кўрса, бизларни ташлаб кетмасмикан, деб қўрмаган.

Азизларим, қандай йўл тутай? Ёки энди кеч бўлди? Сиз қандай маслаҳат берасиз?

СЕВИНЧ

Самарқанд вилояти

"Оила ва жамият"ни севиб ўқийман. Шу тўзак ҳаётимизда оилавий ажралишлар, гирик етимлар кўпаяётгани мени изтиробга солади.

Ёшим 33 да. 1991 йил ота-онам топган қизга ўйландим. Турмушимиз бошида яхши бўлди. 1992 йили фарзандли бўлдик. Лекин айни шу фарзандим туғилгандан кейин хотинимнинг рўзғорга бўлган муносабати айний бошлади. Мен ундан бунинг сабабини сўрадим. У: "Йўқ, ҳаммаси яхши, сизда айб йўқ. Фақат мен рўзғор — эру фарзанд деб ҳаётимни елга со-вурмоқчи

куёв сифатида. Мен уларга куёв эмас қул сифатида ҳаммага танилдим. Эртдан кечгача меҳнат қилдим. Хотинимни акаларининг: "Ҳа, бу отамнинг уй-жойи, моллари сизга қолади", деган ташбеҳу дашномларини эшитдим. Бунга жавобан уларга: "Менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Фақат хотиним, фарзандим керак", - дедим. Турмушимизга 4 йил тўлган

бўлса

ҳам, ҳар кун жанжал эди. Қайнотам маошимни санаб олар эди. Охири хотинимга: "Кел, алоҳида яшаймиз. Уйим бор. Бу аҳволда яшаб бўлмайди", - десам, "Йўқ, мен ота-онам уйидан ҳеч қачон қиймайман. Шу ерда яшаймиз", - деди. Кейинчалик мен билдимки, хотиним вақтида руҳий касал бўлган экан. Бахтим шунақа экан. Иккинчи фарзандим бор энди. Начора, мен фарзандим учун ҳаммасига чидашга тайёр эдим. Хотинимга: "Сени ўзим даволайман. Фарзандимиз бор ахир", - дейишимга қарамай фойдаси бўлмади. Аҳвол сира ўзгармади. Золим қайнота-қайнонам азоб-қўбатлари остида рўзғор тебратиш охири жонимга тегиб кетди. Хуллас, биз ажрашдик. Менга ҳеч нарса ҳам беришмади. Бошим қотиб қолди. Яна фарзандимнинг бири онасиз, бири эса отасиз қолди. Менинг гуноҳим нима? Қилган яхшиликларим ёмонликка айланаверади. Фарзандимга она керак ахир. Фарзандимга оналик меҳрини бера оладиган инсон бўлса, ўша билан ҳаётимни боғламоқчиман. Бошқа вилоятлардан бўлса ҳам розиман. Манзилим тахририятда.

Бахтиёр С.

Бухоро шаҳри

ФАРЗАНДИМГА ОНА КЕРАК

эмасман. Аслида ниятим одамлар назарида эрга тегиб олиш эди. Мана, орзум ушалди. Энди менга рўзғорнинг кераги йўқ. Мана фарзандингиз, ўзингизга буюрсин", - деб қичиб кетди. Мен уни роса изладим, уйига бордим, бефойда. Чет элга қичиб кетган экан. Бу ҳодисага ҳам 10 йил бўлди. Фарзандимни ота-онам, укаларим - ҳаммамиз биргаликда вояга етказдик. Мен хотинимнинг бу қилиғига сира тушунмадим. Ахир чекмасам, ароқ ичмасам, маошимнинг ҳаммасини қўлига келтириб берсам, рўзғорда камчилик бўлмаса, нега бу ишни қилди - билмайман. Яна йиллар ўтди. Фарзандимга қарасам, юрак-бағрим эзилди. Ҳамма болаларнинг онаси бору, ўғлимнинг онаси йўқ. Шу ҳаёлар билан 1997 йил яна бир бор бахтимни санаб кўрдим. Ота-онам бир жува-онга совчиликка борганларида ота-онаси: "Бизнинг қизимиз ҳам биринчи бахтидан қуйди. Насиб бўлса ҳаммаси яхши бўлади", - деб оила қуришимизга розилик беришди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Энди мен ич қуёв бўлдим. Ич қуёв эмас, ит

Газетхонларимиз ижодидан



МЕНИ АНГЛАМАГАН ДҲСҲИ

Мен севгимга алвидо айтдим,
Кечир дедим қилган хатомни.
Ўз ҳолимга мен яна қайтдим,
Йўқотдим энг азиз одамни.

Ҳеч қачон у мени севмаган,
Севса, севса бундай бўлмасди.
Билмадим, у нени ўйлаган,
Мен унга тикилиб тўймасдим.

Энди бари тушга айланди,
Тушунишни истамади у.
Бошдан учган кушга айланди,
Бегонамиз биз энди мангу.

Йўқотмади балки ҳеч нима,
Аввалгидай бекаму-қўстдир.
Тенгламасман уни ғанимга,
Мени англаб етмаган дўстдир.



ҲАЁТИ САБОҚЛАРИ

Туркум

1
Кунлар ўтаверар қувиб бир-бирин,
Ташлаб улгурмайсан хатто кўз қирин.
Не учун тугилди? Яшади нега?
Лоқайдлар ечолмас буларнинг сирин.

2
Ким сенга ишонса, ишончин оқла,
Хиёнат айлама, обрўйинг сақла.
Ишонч бу дунёда муқаддас туйғу,
Топтасанг, ҳаётинг ўтади оқла.

3
Синалмаган дўстни дўст деб бўлмайди,
Синалган дўст кўзинг асло ўймайди.
Худбин кимсалардан дўст тутинмагил,
Ҳар қандай дамда у ўзин ўйлайди.

4
Сен бойлик тўплама, йиқил дур-илм,
Бойлик бу ўткинчи, мангудир илм.
Ҳою ҳавасларнинг охири бўлмас,
Уларга инсоннинг ганагидир, илм.

5
Одамлар кўзига тик қарай билгил,
Уларнинг қорига ҳам ярай билгил.
Элнинг назаридан қолмоқлик ёмон,
Тўғрилиқ умрингга зеб, чирой, билгил.

6
Кўзлар бор — кўп, ўйнаб туради,
Кўзлар бор — хотиржам, ўйлаб туради.
Аввало юзгамас, кўзларга боққил,
Инсоннинг қимлигин сўйлаб туради.

7
Яхшилик қилсанг гар бирор одамга,
Яхшилик қиларсан бутун оламга.
Яхшилик қайтмайди, дея нолима,
Гар сенга қайтмаса, қайтар боланга.

8
Тилингда шакару заҳарлар бордир,
Дилингда қаҳратон, баҳорлар бордир.
Заҳру қаҳратонни чиқарма ташга,
Илондай бир умр қаҳарлар бордир.

Туроб НИЁЗ

«ПЕШОНАНГГА ЁЗГАНДАН АЙРИЛМА ЁР...»

Собитхон билан Мунаввархонлар бир ёстикқа бош қўйганда малоикалар кўкдан туриб уларга меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат сувини томишиб турганлар, шекилли. Бўлмаса ўн саккиз йил давомида уларнинг аҳду паймонлари, оқибатлари ҳаётнинг қақша-тқиқ зарбаларига бунчалик дош бермаган бўларди.

«Яхши қиз маҳалладан ортмайди», деган нақл бор. Бир кўчадаги баман-ни оилада ўсиб улғайган қизалоқ Мунавварни қайнона Мунаввар хола тўнғич ўғли Собитхонга олиб бериши — онанинг бу ёрғун дунёда қилган энг яхши ишларидан бири бўлса ажабмас. Чунки, бундай ақл-хушли, сабр-тоқатли келинни баъзан кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмас керак. Нега дейсизми? Бўлмаса эшитинг.

Дарҳақиқат, ёш оила ақил-инок эди. Йил ўтиб қизчалари дунёга келди. Жаҳон Холида бир ёшга тўлгандан кутилмаганда фалокат содир бўлди. Бу фалокат навқирон, йигирма беш ёшли Собитхонни умрбод тўшакка михлаб қўйди. Бу воқеа навнихол келинчақ Мунаввархонни ҳам абадий синов машаққатларига олди. Сабр-бардошини соатиға, кунига чигиркидан ўтказишга маҳкум этилди.

Улар тақдирда 1986 йилнинг 4 февralи бир қора кун сифатида из қолдирди. Уша кун Намаangan дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида ишловчи Собитхон одатдагидек ишга кетди. У юк ташувчи эди. Хар доимгидек омборхонага кирди. Хотиржам юмушини бажараётганда — нима бўлганини ҳам англолмади, шипга қадар ташлаб қўйилган 70 килограммли унли қоплар устига ағдарилди.

Қоплар уюми остидан йигитни беҳуш топдилар. Зудлик билан шифохонага етказдилар. Рентгенга туширдилар. Умуртка поғоналарига огир шикастланибди. Ўзи соғайиб кетса ҳам асл холига қайтиши даргумон эди.

Мунаввархоннинг мушуқуллари ана шундан бошланди. Бир қўлида бола, бир қўлида ёгуликлар кўтариб, умри шифохонада ўтди. Ота-

онаси, қайнона-қайнотаси, қариндош-уруғлари қараб туришмади. Аммо «оловини ким ушлабди- ўзи қудди!»

Собитхон касалхоналарда оялаб, йиллаб ётди. Андижондаги клиникада даволанди. Уч марта операция қилинди. Айтарли ўзгариш бўлмади. Белидан пасти ҳаракатдан тўхтади. Суяқчилар билан зўр-базўр ўтирадиган ҳолга келди.

Меҳрибонлари шунга ҳам шукр қилишди. «Жигаримизнинг қолган умри фойдага», — дейишди.

Мунаввархон ярим жон эрининг кўнглини кўтаришдан чарчамайди. Худди бешикдаги гўдак мисоли уни парваришлайди. Ширин-ширин умид-бахш гапларни топиб гапирди. Хаммаша эри ҳузурда мулоим табассум билан туради. Ичидан не-не қириндилар ўтса ҳам ташқарига чиқаролмайди. Чиқаришга ҳаққи йўқ. Боиси — бу ёрғун дунёда унга суяниб, мўлтираб қолган ёстикдошининг кўнглига ноҳуш ҳаёллар келиши мумкинлигидан қўрқди.

Суяқсиз тил экан-да. Мунаввархон не ташвишда-ю, унга раҳми келиб «Ёш умрини беморга тикиб ўтказмаслигини, биргина бола билан қолиб кетмаслигини» эслатувчилар қўпайди.

Йўқ, — дер эди шундай кезларда у қатий, — авваламбор мен кўз очиб қўрган жуфти ҳалолимини қайси виждон билан ташлаб кетаман. Кетган тақдиримда ҳам хотиржам, бахтли яшай олмаيمان-ку.

Ҳамхоналик эмасми, баъзан атрофдагилар билан турли келишмовчиликлар бўлган чоғларда ҳам Собитхондан ажралишни ҳаёлига келтиролмайди. Чунки, у дину диёнатли эди. Ориятли, номусли ота-онанинг фарзанди эди.

Қайнонасиникига янги келинлар туширилди. Табиийки, уй-жой торлик қила бошлади. Жамоа хўжалиги тўнғич ўғил Собитхонга ер участкаси ажратди. Қариндош-уруғ, ака-укалар ёрдами билан чиройли иморатлар тикланди. Эндиликда Намаangan туманининг Ёрвон қишлоғидаги шинам ховлилардан бирига айлан-

ган бу даргоҳда ногирон Собитхон ака билан унинг вафодор рафиқаси Мунаввархонлар истиқомат қилишадди.

Собитхон ака неча баҳорни даҳлиздаги дераза ёнига ўрнатилган махсус қоравотда кутиб олади. Рўпарадаги чиройли хурмо дарахтининг эрта кўкламда кўкариб, яшнаб, ёзда қизил-кўкил қуёшсимон мевалар тугиб, кузда барглари ер билан битта хазон бўлишини, ишқомдаги чарос, ҳусайниларнинг олтиндай товланишини ойна ортидан кузатади. Яна у ёстикларга таянган ҳолда бемажол кўллари билан яратганга шукр қилишдан зерикмайди. Барчага — ота-онаси, туғишганларига тан-сиҳатлик тилайди. Айниқса, рафиқаси Мунаввархонни, қизи Холидани вужуд жони билан Аллоҳга ялиниб дуолар қилади. Тушқунликка тушган чоғлари бетизгин ўйларини ойнаи жаҳон, газета-журнал, китоблар чалғитади.

Баҳор фаслининг айнаи гўзал кунларда бу хонадонда дилларни ажиб туйғуларга чулғовчи «Ёр-ёр» садолари янгради. Кўзларининг қорачиги — якка-ю ягона қизлари Холида турмушга узатилди. Қалбида қанча армону хасратлар бўлишига қарамай Собитхон ака ёлғиз дилбандининг никоҳ тўйини кўриши дилига олам-олам қувонч бахш этади.

Хар иш бўлса Худодан, — дейди Мунаввархон босиқлик билан. — Сабр-тоқат билан енгилган ҳар қандай жабру ситамнинг ажри-мукофоти борилигига ишонаман. Ҳофизнинг «Пешонангга ёзганидан айрилма ёр, жоним чиқар қўшиқ айтсан қайрилма ёр», қўшиғи худди менга бағишлангандек. Шунини эшитсам ўзимга қандайдир илоҳий қувват, мадад олгандай бўламан...

Бошимга тушган фалокатни душманимга ҳам раво қўрмайман. Аммо ўлимдан бошқасига инсон зоти албатта илоҳ топади.

Рисликхон МАЖНУНОВА
Намаangan шаҳри

ЖАНАНАТ ДАРВОЗАСИ

Бу воқеани яқин танишим Собит ака Ғафоровдан эшитдим.

Наҳорги ошдан қайтаётган эдик. Бир маҳал қўшни кўчадан кекса одамнинг «ёрдам беринглар» деган илтижолли овози эшитилди. Бараварига ўша томонга югурдик. Кўзларимизга ишонмай ҳайратдан ёқа ушладик. Надаматлар бўлсинки, ўғил ўз падари ёқасидан тўлиб турарди.

Ё, алҳазар! — деди ичимизда ёши энг улуги Сарвар ота ҳассаларини даст кўтарганларича.

Тўхтанг, ўртага тушманг! — деди маҳалладошимиз Мухриддин ака. Сўнгра бизга қараб ўзгача бир изтироб билан қўшиб қўйди. — Бир пайт бу ҳам ўз отасини ҳақоратлаб, унга мушт кўтарган, шу қилмиши учун энди ўғлидан жавоб қайтапти.

«Хар ким эканини ўради», дейишди. Мансаб қурсисига минган ўғил касалхонада ётган падарини бориб кўришга вақт тополмайди. Ёки суюкли хотинлари сабаб, оталарини

ғарибхоналарга жойлаштираётган нодон ўғиллар йўқ дейсизми?

Иккита нон кўтариб бориб, меҳрибонларини йўқламайдиган фарзандлар қандай баҳога муносиб? Яқинлари вафотидан сўнг эл кўзига ўзини қобил фарзанд қилиб қўрсатиб, қозон-қозон ош дамлаётган кимсалар бу билан саховатли бўлиб қоладиларми?! Йўқ, асло!

Она меҳридан ота қаҳри ортик, дейишлари бежиз эмас. Ўғил-қизларининг камолини ўйлаган ота доимо хушёр бўлади, уларнинг ҳар бир қадамини назоратда тутлади.

Бир кун пайғамбаримиз (саллоллоҳу алайҳи вассаллам) саҳобаларига дебдилар:

Сизларга гуноҳи кабираларнинг қаттасини айтиб берайми?

Айтинг, ё Расулulloҳ, — дейишибди саҳобалар.

Пайғамбаримиз гуноҳи кабираларнинг бир нечтасини айтгач, болаларнинг ота-она олдида осий (гуноҳкор)

бўлишини ҳам санаб ўтибдилар. Расулulloҳ ота-она тўғрисида гапирганларида Оллоҳнинг ризолиги отанинг ризолигидан, Оллоҳнинг ғазаби отанинг ғазабидан, дер эканлар. Отанинг фарзандига ғазаби, албатта шайрий бўлиши керак. Яъни, фарзанд қаттиқ гуноҳ қилса ота кечирмайди. Оналар эса кўнгли бўлиш қилиб осий фарзандларини ҳам кечириб юборишади. Шу сабабдан «Ота рози — Худо рози», дейдилар.

Расулulloҳ: «Оталар жаннат дарвозаларининг ўртаси, хоҳласанг, бу дарвозани аҳтиёт қил, хоҳласанг, уни бузиб зое қил», — деган эканлар. Бундан келиб чиқадиган мазмун шуки, отанг сендан норози бўлса, дарвозалар тақа-тақ ёпилади.

Ха, дунёда топилмас энг улуг бойлик — ота-оналаримизнинг қадрига етайлик. Олтин қанотларимизни тирик чоғларида ҳурматларини жойига қўйиб, берган оқ сут, нон-тузаларини оқлайлик, дуоларини олайлик.

Мурод БОТИРОВ

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлёмалар таҳлил қилинмайдиган, муаллифларга қайтарилмайдиган, ёзма жавоб қилинмайдиган. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20

Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

Бўлимлар: 133-04-35, 34-25-46

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 20.00

Босишга топширилди: 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва сақлаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент - 700000

Амър Темур кўчаси,

1-тор кўча, 2-уй.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 741. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.

Баҳоси эркин нархда. Адади — 30 000

Саҳифаловчи — Жаффар ЖАБОРОВ.

Рассом — Набижон ХОЛИМУРДОВ.

Навбатчи - М. СОДИҚОВ.